

# Рўза ҳақида

[ ўзбек ]

الصيام

[اللغة الأوزبكية]

Мунтасир Абдулғаффор

منتصر عبد الغفار

*Тайёрлаган*

*Манбаъ*

*Дорул Ислом веб сахифаси*

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1428 – 2007

**islamhouse**.com

## Рўза ҳақида

Улуг рўза ибодати ҳижратнинг иккинчи йили фарз қилиниб, фарзлиги Қуръон, суннат ва ижмо билан сабит бўлган. Рўзанинг фарзлиги ушбу: {Эй мўминлар т ақволи кишилар бўлишларингиз учун сизлардан илгари ўт ган қавмларга фарз қилингани каби, сизларга саноқли кунлар рўзасини т ут иш фарз қилинди} ояти каримаси билан фарз қилингандир: (Бақара 183).}

Рўзанинг фарзлиги бобида имом Бухорий ҳазратлари ушбу Абу Хурайра т ривоятини келтирганлар. У киши дедилар: бир аъробий жаноб Росулуллоҳ ғ хузурига келиб: эй Мухаммад, менга жаннатга киргизадиган бир амални кўрсатингиз! – деди. Шунда Росулуллоҳ ғ у кишига: "**Аллоҳга бирон нарсани шерик қиласдан ибодат қилинг, фарз (қилинг) намозни т ўқис адо эт инг, фарз (қилинг) закот ни ат о қилинг ва Рамазон рўзасини т ут инг!**" – дедилар. Аъробий киши: жоним қўлида бўлган зотга қасамки, мана шулардан ортиқ ибодат қиласман, деб ортига бурилиб кетди, шунда жаноб Росулуллоҳ ғ: "**Кимни аҳли ж аннат дан бир кишига қараш қувонт ирса, мана шу кишига қарасин!**", дедилар (Бухорий 1397).

Муборак Рамазон ойи Ислом дини асосларидан бири бўлмиш рўза тутиш фарз қилинган ойдир. Бу ойда тутиладиган рўза илгири қавмларга ҳам фарз қилинган бўлиб, бу муборак ой мислсиз тоат – ибодатларни ўз ичига олган ойдир. Ибн Хузайма роҳимахуллоҳ ривоятида Салмон ал-Форисий шундай деганлар; Шаъбон ойи охирлаб Рамазон яқинлашгач жаноб Росулуллоҳ ғ хутба қилиб шундай деган эдилар: " **Эй инсонлар, муборақ, улуг ой кириб келмоқда. Бу ойда минг ойдан-да яхшироқ кеча бордир. Аллоҳ т аоло бу ой рўзасини фарз қилиб, т ундаги намозини суннат қилгандир. Энди ким бу ойда эзгулик хислат и ила Аллоҳга т ақарруб қилса, бошқа ойларда бир фарз амални адо эт гандек бўлади. Ва кимда ким бу ойда бир фарз ибодат ни адо эт адиган бўлса, бошқа ойларда ет миши фарзни адо қилгандек бўлади. Зоро бу сабр ойидир. Сабр савоби эса ж аннат дир. Бу ой ўзаро ёрдам ва кўмак ойидир. Бу ойда мўминнинг ризқи зиёда қилинади. Кимда ким Рамазонда бир рўзадорга ифт орлик берса, гуноҳлари мағфират қилиниб, гарданини дўзах ўт идан озод қилган бўлур. Ва рўзадор аж ридан барор нарса камаймасдан у ҳам рўзадор аж ридек, аж ри савобга эга бўлади!**". (саҳихи Ибн Хузайма 1887).

Муборак Рамазон ойи - тақво ойидир. Бу ой ўзига хос олий фазилатларга эгадир. Бу ой ўзаро ёрдам ва кўмак ойидир. Бу ой одоб-ахлоқ ва ибодат ойидир. Айнан рўза тутиб, У зотга тақарруб бажо қилган зотларни тақводорлар деб номлашининг боиси: рўзанинг маҳфий ибодат эканлигидандир. Шу боис, ҳадисул қудусийда Аллоҳ таоло Рўза ибодати савобини Ўзи бериши ҳақида қўйидагича хабар берди: "**Одам боласининг рўзадан ташқари барча амали ўзи учундир. Рўза эса Мен учундир. Ва унинг мукофотини Ўзим берурман**". Жаноб Росулуллоҳ ғ айтдилар: "**Бирларингиз рўза т ут ган кунида ёмон-нож уя гапирмасин, бақириб-чакирмасин, мабодо у билан бирон киши ж анж аллашса ёки уни ҳақорат ласа, икки бор: мен рўзадорман, деб ж авоб берсин! Мұҳаммаднинг ж они қўлида бўлган зот га қасамки, рўзадор оғзида ўзгарган ҳид Аллоҳ хузурида миски анбардан-да хушбўйроқдир. Рўзадорнинг икки хурсандчилиги бор, бири: ифт орлик қилган вақт ида, яна бири: Парвардигорига рўбарў бўлганда**". (Бухорий 1904).

Яна бир ривоятда Аллоҳ таоло рўза ибодатининг мукофотини Ўзи беришининг боиси неданлиги баён қилинган. Пайғамбар ғ айтдилар: "*Рўза қурғондир. Бас, (рўзадор) нож уя сўзламасин, нодонлик қилмасин! Агар бирор киши у билан ж анж аллашса ёки уни ҳақорат ласа, икки бор: мен рўзадорман, десин! Жоним қўлида бўлган зот га қасамки, рўзадор оғзида ўзгарган хид Аллоҳ наздида миски анбар ҳидиданда хушбўйроқдир.* (Аллоҳ т аоло дейди): *рўзадор т аомини, шаробини ва шаҳват ини Мен учун т арк эт ади. Зот ан, рўза Мен учундир, бинобарин рўза мукофот ини ҳам Ўзим берурман. Ҳасанот лар эса ўн баробарида бўлур*". (Бухорий 1894).

\* \* \*

## ***Рўза фазилат лари***

Аллоҳ таолога энг суюкли, айни вақтда серфазилат, улуг ибодатлардан бири рўзадир.

1- Бу ибодатнинг рўзадордан сабрни ҳамда сабр эвазига бериладиган ажри-савоб умидида Аллоҳдан қўрқишиналаб этмоғидир.

Такво ва ажр-савоб умидида тутилган рўзани жаноб Пайғамбаримиз рўзадорни барча гуноҳ ва хатолардан сақловчи қурғонга ўхшатгандар. Пайғамбар ғ дейдилар: "*Рўза қурғондир. Бас, (рўзадор) нож уя сўзламасин, нодонлик қилмасин! Агар биронт а у билан ж анж аллашса ёки уни ҳақорат ласа, икки бор: мен рўзадорман, десин! Жоним қўлида бўлган зот га қасамки, рўзадор оғзида ўзгарган хид Аллоҳ наздида миски анбар ҳидиданда хушбўйроқдир.* (Аллоҳ т аоло дейди): *рўзадор т аомини, шаробини ва шаҳват ини Мен учун т арк эт ади. Зот ан, рўза Мен учундир, бинобарин рўза мукофот ини ҳам Ўзим берурман. Ҳасанот лар эса ўн баробарида бўлур*". (Бухорий 1894).

2- Рўзадорлар қиёмат қуни жаннатга "*Райён*" номли эшикдан чақирилишлари.

Абу Ҳурайра т ривоятида жаноб Росулуллоҳ ғ шундай деганлар: "*Кимда ким Аллоҳ йўлида ж уфт нарса инфоқ қилса (яъни ж уфт от, ж уфт т уя ва шўнга ўхшаш) ж аннат эшикларидан; эй абдуллоҳ, бу яхши амалдир – деб нидо қилинади.*

**Намозхонлар (ж аннат нинг) намоз номли эшигидан чақирилади. Жиҳод аҳли ж иход номли эшигидан чақирилади.** Энди ким рўза аҳлидан бўлса, у (ж аннат нинг) Райён номли эшигидан чақирилади. **Ва ким садака аҳлидан бўлса, бас, у садака эшигидан чақирилур.** Шунда Абу Бақр ас-Сиддик т : от а онам фидойингиз бўлсин, эй Росулуллоҳ! Мазкур эшикларнинг барчасидан чақирилиш учун нима амаллар қилиш керак? Ўзи бирон киши ўша эшикларнинг барчасидан чақириладими? – дедилар. Жаноб Росулуллоҳ ғ: "Албат т а, сизнинг ҳам ўшалар орасида бўлишингизни умид қиласман", деб ж авоб бердилар (Бухорий 1897).

3- Рамазон рўзасини имон ва ажри-савоб умидида тутган кишининг рўзаси ўтган гуноҳларини ювади.

Улуғ рўза ибодати ҳам бошқа ибодатлар сингари ният ва холисликни тақозо қиласди. Рўзани хўжа кўрсин учун эмас, балки Аллоҳ ризосини талаб этган ҳолда имон билан тутадиган кишиларнинг ўтган гуноҳлари рўза сабабли мағфират этилиши ҳақида жаноб Росулуллоҳ ғ шундай марҳамат қилгандар: "**Кимда ким Рамозон (рўзасини) имон-эът иқод ва ажри-савоб умидида тутган гуноҳлари мағфират қилинур**". (Бухорий 1899).

4- бу улуғ ибодатнинг жамият бирдамлигини сақловчи омил эканлиги.

Рамазон ойида рўза тутишга қодир бўлмаган касал, кекса, жинни ва шунга ўхшаш баъзи бир рўза тутишдан истисно қилинган шахслардан ташқари барча мусулмонлар рўза тутмоқликлари фарзи айнадир.

Рўза таърифида уламоларимиз бундай деганлар: Рўза тонг вақтидан то кун ботгунчага ейиш-ешиш, ножуя сўзлар ва шахвоний ишлардан тийилишдир.

Аммо шуни унумаслик керакки, рўза ният ва ажри-савоб умид қилиш билан шаръий рўза хисобланади.

Бу муборак Рамазон ойида рўза тутган ҳар бир мусулмон очлик ва ташналик маъносини англайди. Ҳаётида кўп ҳам очлик ва чанқоқлик нималигини билмаган бой-бадавлатлар Аллоҳ таолонинг уларга ато этган катта неъматларига шукр айтадилар. Айни чоқда очлик ва чанқоқликни боши кечирган рўзадор бой бадавлат қалбида фақир камбағал бечора мусулмон диндошларига нисбатан раҳм шафқат уйғонади. Натижада бой ва камбағаллар ўртасида бирдамлик юзага келади. Ўзига тўқ ҳар бир мусулмон рўзадор биродарларига ифторлик беришга шошилади. Бу муборак ойда тарқоқлик ўрнини бирдамлик, нафрат ўрнини муҳаббат эгаллайди. Бу нарса кейинги Рамазонгача ҳам давом этади.

5- Муборак Рамазон ойининг одоб-ахлоқ ойи эканлиги.

Рамазон рўзасини тутган ҳар бир мусулмондан, рўзаси Аллоҳ даргоҳида тўқис мақбул бўлишилги учун бир неча шартлар талаб қилинади. Ана шундай муҳим шартлардан бири: рўзадор ёлғон гапириш ва унга амал қилишдан тийилиши лозимлигидир.

Рўза тутиб ёлғон гапиришдан тийилмаган ёки ўзини муборак тарбия ойида ўйлга солиб ололмаган киши рўза савобидан маҳрумдир. Шу боис, умматига мушфик Росул Ақрам ғ умматини билиб билмай рўза ойида ёлғон сўзлашдан огоҳлантиргандар. Абу Ҳурайра т ривоятида жаноб Росулуллоҳ ғ рўза тута туриб, ёлғон сўзлаш – ёлғон гувоҳлик бериш ва тухматдан ўзини тиймаган киши рўзасида Аллоҳ таолога ҳеч бир ҳожат йўқлиги ҳақида шундай деганлар: "**Кимдаки ёлғон сўзлаш, унга амал қилишни ва ж оҳилликни тарк эт мас экан, бас, унингт аоми ва шаробини тарк эт ишининг(яни рўза тутган гуноҳлари кераги йўқдир**". (Бухорий 6057).

Бу каби олий тарбия оғушида рўза тутган ҳар бир инсонни, бир сўз билан ҳақиқий баҳтли инсон десак муболага қилган бўлмаймиз. Зоро бу тарбиялар ҳаводан сўзламайдиган Пайғамбар сўзлари-вахийнинг бир қисмидир.